

Тақдир ҳикмати

15:45 / 22.04.2017 3665

Ибн Жавзий айтадилар: “Бир куни бир киши ҳушидан кетиб қолибди, атрофдагилар уни вафот этди деб ўйлашиб, бир тахтанинг устига кўтаришибди-да, уни ювиш учун ғассолни чақиртиришибди. Ғассол келиб ҳотиржам ўликнинг устидан сув қўяр экан, не кўз билан қарасин ҳалиги ўлик баданига теккан сувнинг совуқлигидан чўчиб кетиб ўрnidан сакраб турибди, бундай дахшатли ҳолатни кутмаган ғассол қўрқувдан ўлиб қолибди”.

Бунинг сири нима экан, деб ўйламанг, яхшиси Аллоҳ йўлида кўпроқ жидду жаҳд қилинг, ҳақни изланг ва бу борада ўлимдан қўрқманг. Чунки, ҳар кимнинг ажали тақдирда битиб қўйилган. Ҳаётда қанча-қанча ўлим исканжасида қолиб кетасизу лекин тақдир туфайли юз йил ҳаёт кечирасиз. Шундай эканми, дунё учун худди абадий ҳаёт кечирадигандай амал қилинг. (Яъни дунёни қўлга киритиш борасида ҳотиржам бўлинг!) Охират учун эса худди эртага вафот этадигандай амал қилиб қолинг. (Яъни, охиратда фойда берадиган амалларни кўпроқ қилинг!) Шундагина ўзингиз учун дунё ва охиратни тامينлаган бўласиз.

Мана шу тақдир ҳикмати демакдир.

Тақдирга иймон келтириш бамисоли ҳаёт кабидир, у сиз учун барча зулматли ўринларда зиё тарқатиб йўл кўрсатади. Ҳар қандай машаққатларга бамисоли умид эшиги бўлади.

Фараз қилинг, инсонга “умид қилиш” неъматини берилмаганида эди, нима қилган бўларди?

Масалан: бемор кишини олайлик, ҳали дарди зўрайиб уни бу дарди ҳалок қилишидан илгари ўзининг ўй-хаёлларига ботиб вафот этган бўларди. Ватанни ҳимоя қилиб турган аскар олайлик, ҳали унга ёв бостириб келишидан илгари қўрқувидан юраги ёрилиб ўлиб кетган бўларди. Хуллас, бандага ато қилинган ушбу буюк неъмат - “умид қилиш” неъматини берилмаганида эди, ҳаётни тасаввур қила олмасдингиз.

Ҳаётимиздаги барча нарсалар ақл эҳтимоллари, модда қонуниятларига боғлиқ бўлганида эди, ҳаётимиз қандай кечиши мумкин эди?

Тасаввур қилинг! Сиз ҳавода, сувда зарарли микроблари бор деб на нафас олардингиз, на сувдан ича олардингиз, автоҳалокат бўлиши мумкин деб на автомашинага мина олардингиз, бузилиб кетиши мумкин деб на бирор бинога кира олардингиз, ўлиб қолиши мумкин деб фарзанд кўрмасдингиз, хиёнат қилади деб бирор кишини дўст тутмасдингиз, ўғирлаб кетиши мумкин деб молингизга хотиржам бўла олмасдингиз, ўт тушиши мумкин деб ҳовли-жой сотиб олмаган бўлардингиз. Барча нарса шу зайлда кечарди.

Тақдирга иймон келтириш инсон учун роҳат ҳисобланади. Чунки, ҳаётда муваффақиятсизликка учраш ёки муваффақиятни қозониш фақат сизга боғлиқ бўлганида эди, мабодо муваффақиятсизликка учраб мақсад қилган нарсани қўлга кирита ололмаганингизда ўйлаб ўтирмасдан ўзингиздан афсус-надоматни чиқариб ташлаган бўлардингиз, лекин бундай қила олмайсиз.

Тақдирга иймонга келтириш қалбга малҳам, сабр-қаноъат демакдир. Худо кўрсатмасин, тақдир тақозоси билан бир фарзандингиз ўлиб қолса, Аллоҳга шукр қилинг, чунки, инсонлар ичида икки фарзанди вафот этганлари йўқ эмас. Тижоратда юз минг зиён кўрсангиз, инсонлар орасида икки юз минглаб зиён кўрганлари борлигини ҳам унутманг.

Ана энди тақдир ҳикмати нима эканини билдингизми?

Тақдир – биз имкон қадар жидду-жаҳд қилиб амал қилишимиз, сай-ҳаракат қилишимиз бор кучимизни сарф қилишимиз, ана шундан кейин ишимиз ўнгидан келмаса, ҳафа бўлмаслигимиз, истаган нарсамизга ета олмасак ноумид бўлмаслигимиз ва тақдирга нисбатан худди кўп автомашиналар орасида йўл кесиб ўтаётган киши каби бўлишимиз керак. Агар шу киши мабодо автомашиналарнинг тўқнашиши ва унинг натижасида бўладиган автоҳалокат ҳодисаларини ўйласа, олдинга бир қадам ҳам қўя олмайди. Агар катта кетиб, ўзи томон келаётган машиналарни қайтара оламан, ҳар қандай хатарларни даф қила оламан деб ўйласа, ҳалок бўлиши, саломат қолмаслиги муқаррар. Бордию, ҳушёр бўлиб эҳтиёткорлик билан оралаб юрса, ҳақиқий оқил кишининг ишини қилган бўлади. Агар шунда нажот топиб қолса, Аллоҳ таолога нажотни тақдир қилгани учун шукр қилади, агар бирор нарсага мубтало бўлса, албатта бу нарса унинг нуқсонга йўл қўйганлигидан эмас, балки тақдир ҳукми эканлигига таслим бўлади.

Ғиёсиддин Ҳабибуллоҳ тайёрлади